



O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

• 2009-yil • 22-yanvar • Payshanba • 9 (27.970) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Россия Федерацияси сармоясини иштирокида ташкил этилган 786 та корхона фаолият кўрсатмоқда. Юртимизда, шунингдек, Россиянинг 127 та фирма ва компанияси ваколатхоналари очилган. Ўз навбатида, Россия Федерацияси ҳудудида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирокида 349 та корхона ташкил этилган.

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 21 январь кунини Оқсаройда Россиянинг «Лукойл» очиқ акционерлик жамияти президенти Вагит Алекперовни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари «Лукойл» компанияси мамлакатимизнинг ишончли шерикларидан бири эканини таъкидлади.

Ўқилги-энергетика мажмуи Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги савдо-иқтисодий ва сарможий ҳамкорликнинг муҳим йўналишларидан биридир. Россиянинг энергетика компаниялари Ўзбекистонда энергия манбаларининг янги конларини ўрганиш ва ўзлаштиришда фаол иштирок этмоқда. Хусусан, «Ўзбекнефтегаз» миллий холдинг компанияси билан «Лукойл» ОАЖ ўртасида 2004 йили маҳсулотни тақсимлаш тўғрисидаги битим имзоланган. Бу ҳужжатда Ўзбекистон нефть-газ соҳасига 3 миллиард АҚШ долларидан зиёд миқдорда сармоя киритиш кўзда тутилган.

Нефть-газ соҳасига хориз сармоясини жалб қилиш нафақат даромадни кўпайтириш, айти пайтда экспорт ҳажмини ошириш, қувурларнинг янги магистралларини, янги инфраструктураларини барпо этиш, кўплаб янги иш ўринлари очиш, соҳага оид илғор тех-

нологияларни ўзлаштириш имконини ҳам беради.

«Лукойл» билан ҳамкорлик изчил ривожланмоқда. Тошкентда унинг ваколатхонаси очилиб, «Лукойл оверсиз Ўзбекистон Лтд» шўъба корхонаси ташкил этилган. Ушбу корхона «Қандим — Ховузак — Шоди — Қўнғирот» лойиҳасини амалга ошириш билан шуғullanмоқда. 2007 йилда «Лукойл» билан ҳамкорлик дастлабки амалий натижани берди — Бухоро вилоятида Ховузак газ кони фойдаланишга топширилди. Бу ерда қисқа вақт ичида сейсмологик қидирув ишлари ўтказилди, қудуқлар қазилди, ҳудуд ободонлаштирилди. Албатта, бундай муваффақиятларнинг негизини Ўзбекистонда хорижий сармоядорлар фаолият юритиши учун яратилган кўплаб қулайлик ва имтиёзлар мужассамдур.

Айти пайтда Ховузакда йиғирмадан зиёд бургулаш қудуғидан «Денгизкўл-Муборак» газ қувурига узлуқсиз равишда газ узатишмоқда.

Умуман, «Қандим — Ховузак — Шоди — Қўнғирот» ло-

йиҳаси бўйича жами 180 қудуқ қазилди ва бир ярим минг километрдан кўпроқ газ узатиш қувурларини барпо этиш режалаштирилган. Конлар лойиҳада белгиланган қувват бўйича ишга тушган, бу ерда йилга 10 миллиард куб метрдан ортиқ газ қазиб олинади. Шунингдек, йилга 8 миллиард куб метр газни қайта ишлаш қувватига эга замонавий газ-кимё мажмуи барпо этиш режалаштирилмоқда.

Учрашувда В.Алекперов «Лукойл» билан шериклик алоқаларига алоҳида эътибори учун мамлакатимиз раҳбарига миннатдорлик изҳор этди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон компаниялари билан «Лукойл» ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга доир масалалар муҳокама қилинди, қўшма лойиҳалар ижросининг бориши, биргаликда янги лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имкониятлари кўриб чиқилди.

(ЎзА)

ЎзХДП ҳаёти



ЁШ СИЁСИЙ ШАРҲЛОВЧИЛАР

Ҳаёт, замон, дунёқараш ўзгарапти. Мамлакатимизда демократик ислохотлар тобора чуқурлашиб бормоқда. Мустақилликнинг илк йилларида белгилаб олинган давлат ва жамият бошқаруви, халқимиз фаровонлигини таъминлаш соҳасидаги муҳим вазифалар босқичма-босқич амалга ошяпти. Ижтимоий-сиёсий, иқтисодий соҳалардаги ислохотлар ҳаётда ўз самарасини бераётгани айти ҳақиқатдир. Ана шундай жараёнда дунёдаги ўзгаришлар, ҳаётимиз-

даги туб ислохотлар ва бунёдкорлик ишлари моҳиятини кенг шарҳлаш, аҳолига чуқур тушунтириш, кишиларда фаол фуқаролик позициясини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади.

20-21 январь кунлари Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида бўлиб ўтган семинар айнан ёш сиёсий шарҳловчилар ва тарғиботчиларни тайёрлашга қаратилди. Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти билан ҳамкорликда ташкил этилган

фикрлашдилар, баҳслашдилар, тажриба орттирдилар

«Ўзбекистон ХДП дастурий мақсадларини кенг тарғиб этишда оммавий ахборот воситаларининг роли» мавзусидаги бу тадбирда партия фаоллари, ёш тарғиботчилар, партия матбуоти вакиллари, «Истикбол» ёшлар қаноти аъзолари иштирок этишди.

2-бет

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА «ОЛТИН ҚАЛАМ» IV МИЛЛИЙ МУКОФОТИ



Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази билан ҳамкорликда миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг омалаштириш, ОАВ ходимлари фуқаролик позицияларини намоён этишлари учун шароит яратиш ҳамда журналистларда танқидий фикрлашни ва ижодий фаолиятга янгица ёндашувларни шакллантириш мақсадида «Олтин қалам» IV Миллий мукофоти учун халқаро танловини ўтказди.

3 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишланган бу танловга 2008 йилнинг 31 мартдан 2009 йилнинг 31 мартгача — бир йил давомида газета ва журналларда босилган, радио орқали эфирга узатилган ҳамда телевидениеда кўрсатилган ва интернет нашрларида берилган материаллар 2009 йилнинг 10 апрелигача қабул қилинади.

Танлов голиблари учун қуйидаги мукофотлар таъсис этилган:

Журналистика соҳасида беш миллий мукофот. Голиб махсус диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуеткаси ва Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдорда пул мукофоти билан тақдирланади.

Асосий мукофотлар: Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (телевидение — 1-, 2-, 3-ўринлар); Энг яхши журналистик материал учун мил-

лий мукофот (радио — 1-, 2-, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (даврий матбуот — 1-, 2-, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (Интернет-журналистика — 1-, 2-, 3-ўринлар).

Биринчи ўринни олган голиблар диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуеткаси ва энг кам иш ҳақининг 160 баробари миқдорда пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Иккинчи ўринни олган голиблар диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуеткаси ва энг кам иш ҳақининг 140 баробари миқдорда пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Учинчи ўринни олган голиблар диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуеткаси ва энг кам иш ҳақининг 120 баробари миқдорда пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Рағбатлантирувчи мукофотлар доирасидаги номинациялар:

- ✦ журналистика ривожига қўшган ҳиссаси учун;
- ✦ фаол фуқаролик позицияси учун;
- ✦ ижтимоий-сиёсий мавзудаги энг яхши таҳлилий материал учун;
- ✦ ижтимоий-иқтисодий мавзудаги энг яхши таҳлилий материал учун;
- ✦ «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилли-га бағишланган энг яхши ма-

териал учун;

✦ маънавий-маърифий мавзудаги энг яхши материал учун;

✦ ҳарбий-ватанпарварлик мавзусидаги энг яхши материал учун;

✦ энг яхши журналистик текширув учун;

✦ мураккаб шароитларда (фавқулодда вазиятлар, атраф-муҳит ва экология муаммолари) тайёрланган энг яхши репортаж учун;

✦ энг яхши режиссёрлик иши учун;

✦ энг яхши матбуот хизмати;

✦ энг яхши фоторепортаж учун;

✦ энг яхши карикатура учун;

✦ чет эллик журналистнинг Ўзбекистон тўғрисидаги энг яхши материали учун.

Рағбатлантирувчи номинациялар бўйича голиблар диплом, статуетка ва энг кам иш ҳақининг 80 баробари миқдорда пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Шунингдек, қатор халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари ҳам ўз рағбатлантирувчи мукофотларини таъсис этган.

Танловга теле-, радио-, босма материаллар ҳамда интернет нашрларида эълон қилинган ишлар тақдим этилади (5 тадан кам бўлмаслиги керак).

Телевидение бўйича видеоматериаллар, ахборот ташувчи воситанинг қандай кўринишда бўлишидан қатъи назар, 3 минутдан 30 минутгача бўлиши

керак.

Радиоэшиттиришлар (аудиокассета ёки системали диск) 5 минутдан 30 минутгача бўлиши керак.

Матбуот ва интернет материаллари даврий нашрнинг асл нусхаси ёки қўчирма нусхасида тақдим этилиши лозим.

Танловга юборилган материалларга қуйидагилар илова қилинади:

- ✦ Муаллифнинг исми-шарифи, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;
- ✦ муаллифнинг турар жойи, уй ва иш телефонлари;
- ✦ паспорт нусхаси.

Танлов голибларини мукофотлаш маросими Жаҳон матбуоти эркинлиги кунини арафасида тантанали равишда ўтказилади.

Мукофот бир шахсга тақдирлан берилмайди.

Материаллар «Олтин қалам» танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга жўнатилиши лозим:

Ўзбекистон Республикаси,
100129,
Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси,
30-уй. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси 3-қават,
30-, 35-, 37-хоналар

Телефонлар:
244-64-61; 244-64-62; 244-37-87.

www.Journalist.uz

ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

Хўжайли туманидаги «Турон-Хўжайли» очиқ акциядорлик жамияти аҳолини сифатли ўсимлик ёғи билан таъминламоқда.

Корхона бир кеча-кундузда 275 тонна чигитни қайта ишлаш қувватига эга. Ўтган йили Россиядан келтирилган технология ёрдамида соатига 600 қадоқ ёғ тайёрланмоқда.



Суратда: жамият ишчиси Ақлбек Шаихиев. Арслон КАННАЗАРОВ (ЎзА) олган сурат.

Конун ва шарҳ

МАЛАКАЛИ ЮРИДИК ЁРДАМ КАФОЛАТЛАНАДИ

Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки кунларданок ҳуқуқий демократик давлат қуриши ва фуқаролик жамиятини шакллантириш устувор вазифа этиб белгиланди.



2-бет

«БОБУРНОМА»ДА ЙЎЛ ТАСВИРЛАРИ


Яна баъзи дарёлар-дурким, Ҳиндустон тоғларидан чиқар, мисли, Чанбал ва Банос ва Битви ва Сун, бу тоғларда қор асло бўлмас, алар ҳам Ганг дарёсига қотилур.



3-бет

ТОШКЕНТ ДАРВОЗАЛАРИ

Тошкентнинг ўн икки дарвозасига берилган чуқур маъноли, гўзал номларни олайлик. Самарқанд, Бешёғоч, Кўкча, Чигатой, Сағбон, Лабзак, Тахтауул, Қорасарой, Камодон, Қўймас, Қўқон, Қашқар дарвоза деган номлар авваламбор ўзининг аниқ тарихий-жўрофий маъносини билан ажралиб туради.




4-бет

МАИШИЙ ХИЗМАТ МАРКАЗИ

Пахтабод туманининг Бўстон қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Навбахор маҳалласида истиқомат қиладиган ака-ука Мирзаевлар ўз маблаглари ҳисобидан маиший хизмат кўрсатиш маркази барпо этишди. Ушбу мажмуада ҳаммом, чойхона, новвойхона, сартарошхона, ошхона, тўйхона мавжуд бўлиб, 25 нафар киши иш билан таъминланган.

Ақнадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.



ЁШ СИЁСИЙ ШАРҲЛОВЧИЛАР

фикрлашчилар, баҳслашчилар, тажриба ортгирдилар



Жорий йилнинг «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб эълон қилиниши партия ёш фаолларидан қишлоқ ёшлари, айниқсан, чекка ҳудудлардаги ёшлар орасига кириб бориш, улар билан ишлашни ҳар жиҳатдан таъминлаш зарурлигини таъкидлаётган ҳолат бўлиши керак.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси тизимида тарғибот-ташвиқот ишларини янада таъминлаш зарурлигини таъкидлаётган ҳолат бўлиши керак.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси тизимида тарғибот-ташвиқот ишларини янада таъминлаш зарурлигини таъкидлаётган ҳолат бўлиши керак.

тақозо этмоқда. Мазкур семинарда асосий эътибор жамоатчилик билан ишлайдиган соҳалар бўйича шарҳловчилар билим ва савиясини оширишга қаратилди.

Мунозара, муҳокама ва тақдиротлар шаклида ўтган тадбир сайлов қонунчилигининг таъминлаштирилиши муносабати билан айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши, сиёсий партиялар наشرлари фаолияти бўйича ҳақон тажрибаси, жамиятда партиялар ролининг ортиши шароитида наشرлар зиммасига юкланган вазифа, уларда партия фоялари, электрорати манфаатларининг ифода қилиниши даражаси, профессионал журналистиканинг муҳим жиҳатлари каби мавзулар муҳокама этилди.

— Мен амалга ошираётган ишларимизни оммавий ахборот воситалари орқали ёритишда пресс-релиз тайёрлашга қўйналар эдим, — дейди ҲХДП Юнусобод туман кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти раиси Эрдон Мардонов. — Бу ерда эса мазкур масала юзасидан махсус машғулотлар бўлиб ўтди. Унга қўйилаётган талаблар эътибор қаратиш зарур бўлган жиҳатлар ҳақида

батафсил тушунча берилди. Умуман, икки кун давомида мамлакатимизда ва дунёда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларни ҳолис шарҳлаш, тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш, аудитория билан ишлаш каби биз учун ўта зарур йўналишларда янги билимларга эга бўлди. Айниқса ушбу соҳалардаги таниқли олимлар, мутахассислар, журналистлар тажрибаларини ўрганганимиз, улар билан фикрлашганимиз, баҳс-мунозараларда қатнашганимиз келгуси фаолиятимизни кучайтиришга хизмат қилади.

Семинар бевосита амалий жараёнлар билан ўзвий боғлиқ ҳолда ташкил этилди. Тахририят ва тахрир хайъати ишини самарали ташкил этиш бўйича амалий машғулотлар олиб борилди. Ёш фаоллар Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, «Адлия» вазирлиги матбуот марказига ташриф буюриб, уларнинг фаолияти билан яқиндан танишди.

Баҳрод ШУКУРОВ
Суратлар муаллифи
Абдигоси ҲАЙДАРОВ

ЎзХДП: бошлангич ташкилот — асосий таянч

ҚУЙИ БЎҒИН КАТТА КУЧ

Партияимизнинг қуйи бўғини ишини фаоллаштириш ва таъминлаштириш дастурий мақсадларимизни амалга ошириш, жамоатчилик ва электрорат билан алоқаларни кучайтиришда муҳим аҳамиятга эга. Шу боис, Шайхонтоҳур туман партия кенгаши бошлангич ташкилотлар фаолиятини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Туман кенгаши қорхона ва ташкилотлар, соғлиқни сақлаш муассасалари ҳамда маҳалларда партияимиз дастурий мақсадларини кенг тарғиб қилиш ишларини изчил олиб бормоқда. Бу эса ХДП сафини мустаҳкамлаш, тарафдорларимиз ва хайрихоҳларимизнинг қўллаш, партиянинг электрорат олдидagi оғури-эътибори ошишига олиб келаяпти. Айниқса, аҳоли турар-жойларида турли тадбирлар ўтказишга алоҳида эътибор қаратиляпти. Бунда айнан маҳалла фуқаролар йиғинларида фаолият кўрсатаётган партия ҳудудий ташкилотларининг ўрни бекиёс. Ҳозир тумандаги 49 та маҳалладан 43 тасида ҳудудий партия ташкилоти фаолият юритмоқда. Уларда 1621 нафар ХДП аъзолари биришган.

Партия кенгаши аҳолининг аҳил-тотулигини мустаҳкамлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламни қўллаб-қувватлаш, ишсизларни иш билан таъминлаш масалаларига устувор вазифа сифатида қарамоқда. Айнан шу

Туман кенгаши маҳалларда олиб бораётган ишларда фойдаланилмаган имконият ва йўл қўяётган камчиликлар ҳам йўқ эмас. Партия ташкилотлари раҳбарларининг барчасини ҳам бирдек фаол дея олмаимиз. Бошлангич ташкилот олдида турган асосий вазифа кўп ҳолларда етакчилар эътиборидан четда қолмоқда. Аҳоли, хусусан электрорат воситаларини ташвиқот соҳаларини ижтимоий масалалар ҳамда жойда дадиллик билан кўтарилишга. Баъзан айнан маҳалланинг ўзида ҳал этишни имкони бўлган масалалар ҳам эътибор султ. Шундан келиб чиққан ҳолда яна 6 та маҳаллада БПТ тузиш тарафдорларимиз. Бундан ташқари, бугунги кунда барча маҳалларда ҲХДП Шайхонтоҳур туман кенгаши Жамоатчилик қабулхонасининг таянч пунктлари ташкил этилиши бошлаб юбордик. Ишончим комилки, мазкур қабулхоналарнинг фаолияти маҳаллардаги ҳудудий партия ташкилотлари ишини янада ривожлантиради. ҲХДП дастурий мақсадлари самарали амалга ошишига хизмат қилади.

Яъзб МУРОТОВ,
ЎзХДП Шайхонтоҳур туман кенгаши раиси
Ҳайдаров вазифасини бажарувчи.

Туман кенгаши маҳалларда олиб бораётган ишларда фойдаланилмаган имконият ва йўл қўяётган камчиликлар ҳам йўқ эмас. Партия ташкилотлари раҳбарларининг барчасини ҳам бирдек фаол дея олмаимиз. Бошлангич ташкилот олдида турган асосий вазифа кўп ҳолларда етакчилар эътиборидан четда қолмоқда. Аҳоли, хусусан электрорат воситаларини ташвиқот соҳаларини ижтимоий масалалар ҳамда жойда дадиллик билан кўтарилишга. Баъзан айнан маҳалланинг ўзида ҳал этишни имкони бўлган масалалар ҳам эътибор султ. Шундан келиб чиққан ҳолда яна 6 та маҳаллада БПТ тузиш тарафдорларимиз. Бундан ташқари, бугунги кунда барча маҳалларда ҲХДП Шайхонтоҳур туман кенгаши Жамоатчилик қабулхонасининг таянч пунктлари ташкил этилиши бошлаб юбордик. Ишончим комилки, мазкур қабулхоналарнинг фаолияти маҳаллардаги ҳудудий партия ташкилотлари ишини янада ривожлантиради. ҲХДП дастурий мақсадлари самарали амалга ошишига хизмат қилади.

Яъзб МУРОТОВ,
ЎзХДП Шайхонтоҳур туман кенгаши раиси
Ҳайдаров вазифасини бажарувчи.

Қонун ва шарҳ

Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки кунларда ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш устувор вазифа этиб белгиланди. Юртбошимиз раҳбарлигида амалга оширилган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар ҳам айнан шу мақсадни рўйбоя чиқаришга йўналтирилган. Ҳуқуқий давлат қурилишида қонун устуворлиги, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг ишончли кафолатларини яратиш биринчи даражали вазифа ҳисобланади. Бу борада эса адвокатура институтининг таъминлаштирилиши алоҳида аҳамият касб этади. Асосий қомусимиз — Конституцияда кафолатланган инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда адвокатура институтининг ўрни бекиёсдир. Ўзбекистонда «Адвокатура тўғрисида»ги ва кейинчалик «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида» қабул қилинган қонунлар адвокатура институтининг шаклланиши ва ривожланишида муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

МАЛАКАЛИ ЮРИДИК ЁРДАМ КАФОЛАТЛАНАДИ

Маълумки, адвокатура фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий институти бўлиб, ўз-ўзини бошқариш принциплари асосида фаолият олиб боради ва фуқаролар ҳамда юридик ташкилотларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатади. Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида адвокатура институти янада ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида асосан ишлаб чиқилган «Адвокатура институти таъминлаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун шу йил 1 январдан қуча кирди. Мазкур Қонун жамиятда адвокатура институти нуфузини янада ошириш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини самарали таъминлаш ҳамда фуқароларга юқори малакали ҳуқуқий ёрдам кўрсатилиши имкониятларини кенгайтиришга оид қўйидаги асосий масалаларни ҳал этишга қаратилган.

— жиноят процессида айблов ва ҳимоя тарафларининг процессуал ҳуқуқлари тенглигини таъминлашнинг қонуний асосларини янада таъминлаштириш;

— адвокатлик номзод шахсларнинг малакасига нисбатан қўйилаётган талабларни кучайтириш, уларнинг юридик соҳа бўйича иш тажрибасига эга бўлиш ва адвокатлик қўйидаги амалиёт ўташиши белгиланиши, шунингдек, адвокатларнинг касбга оид малакасини мунтазам ра-

вишда оширишнинг мажбурийлигини жорий этиш;

— адвокатурани ҳалол ва юқори малакали мутахассислар билан тўлдирини таъминловчи лицензиялашнинг самарали тизимини яратиш;

— адвокатлик тузилмаларининг ваколатларини аниқлаштириш ва ҳуқуқий мақомини белгилаб бериш;

— фуқаролик жамиятининг асосий институтидан бири бўлган адвокатурани самарали, ўзини-ўзи бошқариш марказлаштирилган тизимини ташкил этиш;

— адвокатлар томонидан қонун ҳужжатлари ва касб этикаси қондаларига риоя этилишини назорат қилиш механизми ҳамда адвокатларга нисбатан интизомий иш юритиш тизимининг қонуний асосини таъминлаштириш.

Шунингдек, фуқароларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиши ташкил этишда адвокатура ва адлия идоралари яқиндан ҳамкорлик қилиши қабул қилинган Қонунда янада аниқроқ мустақамлаб қўйилди. Бу ҳамкорлик қўйидаги амалиёт ўташиши белгиланиши, шунингдек, адвокатларнинг касбга оид малакасини мунтазам ра-

си билан адвокатлик фаолиятини лицензиялаш масалаларини биргаликда ҳал этади. Лицензия бериш тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармалари ва адлия органларининг қўшма қарорлари билан адвокатлар ҳамда адлия органлари ходимларидан тенг миқдорда аъзолар киритилган ҳолда Малака комиссиялари тузилади. Бу комиссияларнинг ваколатлари ва фаолиятини ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан Адвокатлар палатаси билан келишилган ҳолда белгиланади. Малака комиссияси томонидан қабул қилинган ижобий қарор адвокат мақомига эга бўлишга талабдор шахсга Адлия идораси томонидан лицензия беришга асос бўлади. Лицензия бериш масаласи ўзини ўзи бошқариш органи бўлиши Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармалари ҳузуридаги Малака комиссияси томонидан ҳал қилиниши адвокатура институтининг мустақиллиги ва фуқаролик институти принципларига тўлиқ жавоб беради.

Адлия идоралари ва Адвокатлар палатаси адвокат томонидан адвокатура тўғрисидаги

қонун ҳужжатлари талаблари, адвокатнинг касб этикаси қондалари, Адвокатлик сирини ва адвокат қасамиди талабларига риоя этилиши устидан биргаликда назорат олиб боради. «Адвокатура тўғрисида»ги Қонуннинг 14-моддасига мувофиқ адвокатга нисбатан интизомий иш юритиш Адвокатлар палатасининг тегишли ҳудудий бошқармаси ёки Адлия органи томонидан берган Адлия органи томонидан қўзғатилади. Интизомий иш ўз навбатида Адво-

ҳамкорликда зарур чораларни кўради.

Шунингдек, адлия идоралари адвокатлар томонидан лицензия талаблари ва шартларига, адвокатлик тузилмалари томонидан таъсис ҳужжатларига, уставда белгиланган фаолиятга, қайта рўйхатдан ўтиш ва тугатиш тартибига риоя этилишини назорат қилади. Бу ўз навбатида адвокатлик фаолиятининг қонунга қатъий риоя этилган ҳолда амалга оширилишини таъминлаш билан биргалик-

да кўрсатилаётган ҳуқуқий ёрдамнинг сифати ва савиясини юқори даражага эриштиришга хизмат қилади.

Қонунда адлия органлари билан адвокатура институтининг турли жабҳаларда ҳамкорлик қилиши назарда тутилганлигининг ўзи фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш жараёнида вужудга келадиган турли масалаларни ўз вақтида қонунга мувофиқ ҳал этилишини таъминлайди. Адлия органларининг адвокатура институти билан яқиндан ҳамкорлик қилиши мақсадларининг конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни янада оширишга яқиндан ёрдам беради. Назаримизда, қабул қилинган қонун адвокатура институти янада таъминлаштириш билан бир қаторда мамлакатда ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидаги яна бир муҳим қадам бўлди.

Ҳайридин ФАЙЗИЕВ,
Тошкент шаҳар адлия бошқармаси бошлиғи.



МАҲСУЛОТ ТУРЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

ПИРОВАРДИДА ЭКСПОРТ ҲАҚМИ ҲАМ ОРТДИ

Самарқанд. Жомбойдаги Буюк Британия ва Россия тадбиркорлари билан ҳамкорлик қилаётган «Амин-инвест интернешнл» қўшма қорхонаси ўтган йил 2 миллиард 245 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот тайёрлади. Уларнинг сифати жаҳон андозалари даражасида бўлиб, арзонлиги билан ички бозорда тезда ўз харидорларини топди. Энг муҳими, қорхона хорижга ҳам 1 миллион 345 миң АҚШ доллари миқдорда маҳсулот экспорт қилди.

Эришилган ютуқда ишлаб чиқаришга замонавий технологияларнинг кенг жорий этилиши катта ўрин тутди. Туркия ва Ҳитойда келтириб ўрнатилган илгор технологик ускуналар бу ерда қўллаб янги иш ўринлари яратилишини ҳам таъминлади.

Умуман олганда, туман санат қорхоналари 2008 йил давомида хорижга 10 миллион 606 миң АҚШ доллари ҳажмида маҳсулот экспорт қилиб, мамлакат иқтисодиётига салмоқли ҳисса қўшди.

(Ўз мухбиримиз)



Суратларда: тикувчи Ҳ. Сулаймонова; сараловчи Ю. Абдулломова ва М. Иброҳимова.
Т.НОҲҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар.

Голландиянинг Утрехт шаҳрида «Vacantiebeurs-2009» 38-халқаро сайёҳлик кўргазмаси бўлиб ўтди. Таъкидлаш лозимки, бу Бенилюкс мамлакатларида туризм соҳасидаги энг йирик тадбир ҳисобланади. Унда дунёнинг 80 дан ортиқ мамлакатдан 200 га яқин миллий сайёҳлик идора ва фирмалари, шунингдек, авиакомпаниялар иштирок этди. Кўргазмага 200 миңдан зиёд меҳмон ташриф буюрди.

Ўзбекистон Нидерландияда халқаро сайёҳлик кўргазмасида иштирок этди

Тадбирда Нидерландиянинг «Djoser», «Passaat verre reizen», «Baobab Reizen», «Eurocult Lito Reizen», «Koningaap», «Sawadee Reizen», «Tara Tours», «VNC Asia Travel», «Sunita Travel» ва «BCD Travel» каби туркомпаниялари томонидан таъминланган таътилчи ўзбекистондаги сайёҳлик йўналишлари кўргазма иштирокчилари эътиборини жалб этди. Юртимизнинг бу борадаги салоҳиятига оид ахборотларни 20 га яқин голланд туроператорлари ҳам намойиш этишди. Улар Ўзбекистон туризм бозорига фаолият юритиб келаятган ташкилотлар сирасига кирди.

«BCD Travel» компанияси менежери Вальтер Де Шепер сайёҳлик инфратузилмасининг ривожлангани боис мамлакатимизга ташриф буюриш истига-

да бўлган нидерландиялик туристлар сонини йил сайин ортиб бораётганини таъкидлади. Улар, айниқса, Буюк ипак йўли чорраҳаларида жойлашган Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларига уюштириладиган сафарларга қизиқиб билидиряпти.

«VNC Asia Travel» менежери Алвин Сетижа Вельде эса жорий йилда унинг компанияси Ўзбекистонга 4 сайёҳлик гуруҳини юбориши режалаштираётганини қайд этди. Ташкилот мазкур йўналишда яқна тартибдаги мурожаатларни ҳам қабул қилмоқда.

«Baobab reizen» компанияси минтақавий менежери Роб Шольтеннинг фикрича, Ўзбекистонга ташриф буюриш истигада бўлган голландиялик сайёҳлар сафи келгусида янада кенгайди. У Нидерландия-

дан мамлакатимизга туристларни жалб этиш борасида фаол иш олиб борилаётганини маълум қилди. «Ўзбекистонда бўлган туроператорлар сўнгги йиллар мобайнида бу ерда сайёҳлик соҳасида талай ютуқлар қўлга киритилганини, хусусан, сервис даражаси, инфратузилма ва меҳмонларни қузабти боровчи ходимлар маҳоратини юксалтиришга эришилганини алоҳида қайд этмоқда. Мазкур турдаги хизматларнинг барчаси Европа талабларига мос равишда йўлга қўйилган ва бу мамлакатимизга сайёҳлар оқими янада кўпайтиришда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиздир», — деди Р.Шольтен.

А.МУҲАММАДЖОНОВ,
«Жаҳон» АА,
Брюссель

ҚИШЛОҚ ЁШЛАРИГА ТУҲФА

Навий вилояти Қизилтепа туманидаги Оқолтин қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудда кўркам спорт мажмуаси қад ростлади.

Спортнинг ўндан ортиқ тури билан шуғулланишга мўлжалланган мажмуани «Темур Малик» маъсуляти чекланган жамияти раҳбари Азамат Холиқов. — Ёшларимиз нафақат илм-фан ва санъат, балки спорт соҳасида ҳам ҳеч қандай қолдиқ қолдиқларини халқаро мусобақаларда намойиш этмоқдалар. Мақсадимиз — ўғил-қизларимизнинг ўз иқтидорини рўйбоя чиқариши учун қўлай шароит яратишга ҳисса қўшишдан иборат.

Ёркул УМАР,
ЎзА мухбири.

яна бир неча қишлоқларда спорт иншоотлари қуриш ва ўз вақтида фойдаланишга топширилиши мўлжалламоқдамиз, — дейди «Темур Малик» маъсуляти чекланган жамияти раҳбари Азамат Холиқов. — Ёшларимиз нафақат илм-фан ва санъат, балки спорт соҳасида ҳам ҳеч қандай қолдиқ қолдиқларини халқаро мусобақаларда намойиш этмоқдалар. Мақсадимиз — ўғил-қизларимизнинг ўз иқтидорини рўйбоя чиқариши учун қўлай шароит яратишга ҳисса қўшишдан иборат.

яна бир неча қишлоқларда спорт иншоотлари қуриш ва ўз вақтида фойдаланишга топширилиши мўлжалламоқдамиз, — дейди «Темур Малик» маъсуляти чекланган жамияти раҳбари Азамат Холиқов. — Ёшларимиз нафақат илм-фан ва санъат, балки спорт соҳасида ҳам ҳеч қандай қолдиқ қолдиқларини халқаро мусобақаларда намойиш этмоқдалар. Мақсадимиз — ўғил-қизларимизнинг ўз иқтидорини рўйбоя чиқариши учун қўлай шароит яратишга ҳисса қўшишдан иборат.

Тошкент шахрининг 2200 йиллиги олдида

Холбуки, ажодларимиз ўзлари яшайдиган маҳалла, шаҳар ва қишлоқлар, боғ-хёбонларга ном танлашга жуда катта эътибор берган. Мисол учун, Тошкентнинг ўн икки дарвозасига берилган чуқур маъноли, гўзал номларни олайлик. Самарқанд, Бешёғоч, Кўкча, Чигатой, Сағбон, Лабзак, Тахтапул, Қорасарой, Камолон, Қўймас, Қўқон, Қашқар дарвоза деган номлар авваломбор ўзининг аниқ тарихий-жўтрофий маъноси билан ажралиб туради.

Ислон **КАРИМОВ**нинг «Юсак маънавият — енгилмас куч» асаридан.

ТОШКЕНТ ДАРВОЗАЛАРИ

Дарҳақиқат, ажодларимиз ҳар бир дарвозага ном танлашда у жойлашган ҳудуд, маҳалла, аҳолининг асосий ҳунармандчилик юмуши ва этник таркибига алоҳида эътибор қаратишган. Тарихдан маълумки, Тошкентда ясалган ўқ-ёйлар етти иқлимда «Камони Шоший» номи билан машҳур бўлган ва Шарқ адиблари асарларида таърифланган. Жумладан, Заҳриддин Муҳаммад Бобур ўзининг «Бобурнома»сида — Тошкентда камон ва камон ўқи ясайдиган усталарнинг шуҳрати бутун вилоятга тарқалганлиги ҳақида ёзади. Улар патли ва патси камон ўқларини ясаганлари ҳақида ёзади. Бешёғоч даҳасининг Бешёғоч ва Самарқанд дарвозалари оралиғида жойлашган дарвозага Камолон деб ном берилишига сабаб ҳам айнан шу. «Тошкентнинг янги тарихи» номи асарда Камолон маҳалла сифатида тилга олинган бўлиб, дарвоза эса Камондорон кўришида ёзилган. Шунингдек, камондорларнинг Бузун қабиласи бир тоифасига мансублиги кўрсатиб ўтилган. Камондорон бу ном (камонгарон, яъни камонсозлар) кейинчалик бизга Камолон тарзида етиб келган. Умуман, дарвозаларга ном танлашда аҳолининг асосий ҳунармандчилик маҳсулотларига нисбат берилиши қадимдан анъана бўлиб келган.

Кутайба ибн Абу Муслим ва унинг сафдошлари исломни ёйиш мақсадида VIII асрнинг бошларида Шош мулкига кириб келадилар. Унинг сафдошларидан бир гуруҳи — яъни комил кишилар Шошнинг ҳозирги Камолон маҳалласи деб аталувчи қисмига жойлашадилар. Камолон, яъни комиллар деб аталувнинг боиси шундан, деган фикрлар ҳам бор. XVIII асрнинг охири, XIX асрнинг бошларида Тошкентнинг мудофаа деворлари ва айрим дарвозаларида таъмирлаш ишлари олиб борилади, жумладан, Тахтапул дарвозаси ҳам туза-

тилиб, Кайқобус ариғи устига янги ёғоч кўприк қурилади. Шундан бошлаб дарвоза, кўча ва маҳалла номлари Тахтапул — яъни тахтақурик деб атала бошланган. Дарвоза тахминан ҳозирги Ишчилар шаҳарчаси ва Кайқобус канали оралиғида бўлган. У замонасида буюк давлат арбоби Амир Темури ҳам Тошкент дарвозаларига алоҳида эътибор билан қараган. Айнан унинг даврида Тошкент дарвозалари Қиёт, Турк, Ўзбек, Қатагон, Сағбон сингари қабилла-уруғ номлари билан юритилган. Сабаби дарвозаларни қўриқлаш ўша ҳудуддаги маълум қабилла вакилларига топширилган эди. Айрим ҳолларда дарвозалар йўналишига қараб ҳам номланган: Қўқон, Самарқанд қабилар шулар жумласидан. Севишли ёзувчимиз Абдулла Қодирий ўзининг «Ўткан кунлар» романида Тошкент дарвозалари ҳақида қизиқарли маълумотлар ёзиб қолдирган. Жумладан, у асарнинг 16-бобида шаҳарнинг Кўкча, Чигатой, Сағбон, Қорасар-

қанд дарвозасини шундай тасвирлайди: «Биз энди... кўрғон бўйлаб бир оз илгарига юрсак олти газ юксакликда, беш газ кенгликда, икки ёни саккиз газлик кўрғон девори билан ўралган, кўнботарга қарашиб қурилган Самарқанд дарвозаси ёнида тўхтармиз» (бир газ — 0,71 метр келадиган қадимий узунлик ўлчов бирлиги). Шуниси диққатга сазоворки, Тошкент дарвозаларида Ўзбек меъморчилик санъатининг ўзига хос томонлари ҳам мужассамлашган. Дарвозалар одатда арча, қайрағоч дарахлари ёғочидан ясалиб, усти темир ҳошия билан қопланган, турли зулфурлари бадийий нақшлар билан безатилган. Тошкент дарвозаларининг ҳар бирига олтиндан рамзий калит ясалган. Ҳозир бу калитлар Ўзбекистон тарихий давлат музейида сақланмоқда. Ўн тўққизинчи асрнинг 70-90-йилларида шаҳар ҳудудининг кенгайиши натижасида Тошкент дарвозалари шаҳар ичкарида қолиб кетган ва эътибор берилмагани учун вақт ўтиши билан аста-секин нурлаган. Тошкент шахрининг 2200 йиллиги тантаналарига ҳозирлик қилинган шу кунларда Тошкент дарвозалари жойлашган ерларни аниқлаш ва рамзий дарвозалар ўрнатиб бўйича жадал ишлар олиб боришмоқда. Зеро, Президентимиз таъкидлаганларидек, «**жой номларининг ҳар бири тарихимизнинг бир парчаси бўлиб, уларни отаболаримиз бизга қолдирган мерос сифатида қабул қиламиз.**»

Дилшод **НАРЗУЛЛАЕВ**, **ЎЗМУ** тарих факультети талабаси.



Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғининг мустақиллик йилларида қурилган дарвозаси.

СОҒЛОМ АВЛОД ОРЗУСИ

Ўтган йиллар давомида Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Бухоро вилоят филиали томонидан ҳам бир қатор ибратли ишлар амалга оширилди. Вилоятда янги спорт мажмуалари бунёд этилди, мавжудлари реконструкция қилинди ва замонавий спорт жиҳозлари билан таъминланди.



— Ёшлар йили Давлат дастурида белгиланган 621 та спорт тadbiri ўтказилди, — дейди вилоят филиали директори Исмомил Мирзаев. Биргина «Умид ниҳоллари»нинг вилоят босқичи мусобақаларида 1613 нафар ўқувчи иштирок этди. Фойлибарни рағбатлантиришга 140,2 миллион сўм маблағ сарфланди. Кам таъминланган оилалар фарзандларига жамғарма ҳисобидан 142,8 миллион сўмлик спорт кийимлари олиб берилди. Бултўр филиал ҳисобидан вилоятдаги саккизта умумтаълим мактабида спорт зали қурилди. Бунинг учун эса 950 миллион сўм маблағ сарфланди. Мавжуд спорт мажмуаларига 173,8 миллион сўмлик анжомлар олиб берилди. Хуллас, сўнгги йиллар ичида жамғарма ҳисобидан 12 та янги спорт мажмуаси, 25 та мактаб учун қўшимча спорт заллари қурилди ва

мавжудларидан 9 таси қайта реконструкция қилинди. Бирок аҳвол ҳамма жойда ҳам бир хил эмас. Жондор, Пешку, Шофиркон туманларидаги айрим спорт иншоотларидан умумли фойдаланилаётти, деб бўлмайди. Ромитан туманидаги «Миришкор» спорт мажмуасида машғулотлар ўз ҳолига ташлаб қўйилгани боис раҳбар янгилади, қўшимча мураббий лавозимлари ахратилди. Дарҳақиқат, вилоятдаги спорт мажмуаларида таҳрибали ва малакали мураббийларга эҳтиёж бор. «Соғлом фарзанд ҳаммиса юрт қорига яраган. Бунинг учун эса келажак авлод оналари — аёлларимиз аввало соғлом бўлишлари даркор. Шу нуқтаи назардан оилавий спортни тарғиби этиш жуда муҳимдир. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йи-лида вилоятнинг ҳар бир маҳалласида она ва бола спорт майдончаси барпо этишга кириштирилган диққатга моликдир.

Ҳозирги кунда Олот, Бухоро, Вобкент, Жондор, Шофиркон, Қоровулбозор туманлари мактабларида янгидан спорт заллари қурилиши бошлаб юборилди. Қуни кеча бўлиб ўтган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Хомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида Юртбошимиз таъкидлаганларидек, «**Бу борада қилишимиз зарур бўлган ишлар ҳали кўп... Мамлакатимизда спорт иншоотлари, қуриш бўйича катта тажриба тўпланди, бошқача айтганда, яхлит тизим яратилди. Эндиги асосий вазифа ана шу иншоотларни жаҳон андозаларига мос равишда жиҳозлаш ва улардан самарали фойдаланишдан иборатдир.**»

Даврон **БАҲРОНОВ**, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Футбол

МАВСУМГА ТАЙЁРГАРЛИК



Шу йилнинг 28 январь кунини Ўзбекистон миллий терма жамоаси 2011 йили Катарида ўтказиладиган навбатдаги Осиё чемпионати саралаш учрашувида Бирлашган Араб Амирликлари футболчилари билан сафарда куч синашди. Ана шу муҳим ўйин олдида Ўзбекистон футбол федерацияси миллий терма жамоасининг 21 январь — 2 февраль кунлари БААдаги ўқув-машғулот йиғинини ташкил этмоқда. Вакилларимиз ўн уч кунлик йиғин мобайнида Санкт-Петербургнинг «Зенит» (Россия), Праганинг «Славия» (Чехия) футбол клублари ҳамда Озарбойжон миллий терма жамоаси билан ўртоқлик учрашувлари ўтказишни режалаштиришган. Кеча футболчиларимиз Бирлашган Араб Амирликларига жўнаб кетишди.

БИР ПОҒОНА КҮОРИЛАДИ

Доха (Катар)да ўтказилган «Дўстлик-2009» халқаро мусобақасининг ҳал қилувчи учрашувида Сурия олимпия терма жамоаси ва Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси ўзаро баҳс юритишди. Учрашунинг 58-дақиқасида рақиб жамоа аъзоси Хаъни ал-Тайяр томонидан киритилган гол рақибларимизга қалаба келтирди. Мусобақада голиб чиққан сурияликлар бош соврин — 180 минг АКШ долларини қўлга киритган бўлса, Аҳмад-жон Убайдуллаев бош мураббийлик қилаётган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси 60 минг АКШ долларини миқдориди мукофот билан тақдирланди. Эслатиб ўтамиз, ўтган йилги мусобақада ҳамюртларимиз учинчи ўринни эгаллашганди.

«ПАХТАКОР» — ЯРИМ ФИНАЛДА



Учрашувда ҳисоб вакилларимиз томонидан очилди. Шавкат Муллажонов ва Ихероуме Учеларнинг фаол ҳаракатлари эвазига рақиб дарвозаси ишғол қилинди — 1:0. Биринчи бўлим сўнггида эса қозғонликлар ҳисобни тенглаштиришга муваффақ бўлдилар — 1:1. Танаффусдан сўнг эса дарвозалар дилчиқлиги сақланди. Кеча пахтакорчилар чорак финалда Литванинг «Экранас» жамоасига қарши тўп сурди. Асосий вақтда 1:1 ҳисоби қайд этилиб, Пеналтилар сервисида ҳамюртларимизга омад қилиб боқди — 5:3. Энди пахтакорчилар ярим финалда «Шериф» (Молдова) — «Вентспилс» (Латвия) жамоалари учрашуви голиби билан майдонга чиқади.

Эркин **ХОЛБЕО**

ҚАЛБИМДА ВАТАН МАДҲИ

Самарқандда Наврўз умумхалқ байрами ва Тошкент шахрининг 2200 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган «Қалбимда Ватан мадҳи» эстрада хонандалари республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Миллий эстрада санъатини янада ривожлантириш, ёш истеъодларнинг кашиф этиш ва рағбатлантириш, миллий кадрларимизнинг кенг тарғиб этиш мақсадида «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмасининг вилоят бўлими, маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган танловда шаҳар ва туман босқичларида голибликни қўлга киритган профессионал санъаткорлар, хаваскор эстрада хонандалари, бастакор ва шoirлар ўз иқтидорини намойиш этди. Шу кун саҳнада Ватанини улуғловчи, Наврўз байрами ва азим пойтахтимизни мадҳ этувчи дилкаш куй-қўшиқлар янгради, янги истеъодлар кашиф этилди. Ўз йўналишлари бўйича голиб чиққан санъаткорлар танловнинг мамлакат босқичида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлди.

Ҳ.ҲАСАНОВ, **ЎЗА** мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МХХ ДҲҚҚҚ 9113-СОНЛИ ҲАРБИЙ ҚИСМИ

қуйидаги объектлар бўйича танлов савдолари ўтказилишини ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

- 1. 9252-сонли ҳарбий қисмнинг 6-сонли «Тошкент» чегара пости қурилиши.
- 2. 9252-сонли ҳарбий қисмнинг 7-сонли «Янги дала» чегара пости қурилиши.
- 3. 9252-сонли ҳарбий қисмнинг 8-сонли «Амангелди» чегара пости қурилиши.

Қурилиш ишларини тугаллаш муддати: 2009 йил 20 декабргача. Буюртмачи манзили: Жиззах шаҳри, Халқлар дўстлиги шоҳ кўчаси. Қурилиш ишларини молиялаштириш буюртмачига ажратилган бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: мудофаа объектларини қуриш учун лицензияга, танлов савдолари предмети-нинг 20 фоизи миқдориди айланма маблағларига ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк қифолатномасида, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва му-тахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий им-кониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт. Танлов савдоларида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўрловнома билан танлов савдолари ташкилотчиси — Жиззах вилояти қурилишда танлов савдолари ва нарх-

Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 63-уй, 426-хона. Тел/факс: 226-14-66. Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм.

Ташкилотлар (оферталар) танлов савдолари ташкилотчиси томонидан юқоридидаги манзилда қабул қилинади.

Оферталарни танлов савдолари ташкилотчиси тақдим этишининг охири муддати — оферталар очилиш кунини ва соатигача.

Танлов савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади. Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 64-уй (вилоят ҳокимлиги биноси), кичик мажлислар зали.

Тошкент Иқтисодиёт ва сервис коллежи жамоаси коллежининг бўлим бошлиқлари Бекмурод ва Алимардон Хожиевларга падали буржурларни Тожидан отанинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардик изҳор этади.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV
TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV Latif G'ULOMOV Asliddin RUSTAMOV Bobir ALIMOV Sharbat ABDULLAYEVA Feruz NAZIROV Murodulla ABDULLAYEV Ulug'bek MUSTAFOYEV Ta't yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari) G'afhor HOTAMOV (Bosh muharrir o'rinbosari) Muslihidin MUHIDDINOV Nomoz SA'DULLAYEV Svetlana GERASIMOVA Andrey KUSTOV Ochilboy RAMATOV Saidahmad RAHIMOV
MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZII KENGASHI
BO'LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13 Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43 Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55 Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56 Mas'ul kotib 233-72-83, 236-55-17 Reklama va e'lonlar 233-38-55, 233-47-80
VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70 Buxoroda — 222-10-92 Gulistonda — 25-22-32 Jizzaxda — 5-49-85 Navoiyda — 223-83-73 Namanganda — 6-43-43 Nukusda — 222-70-15 Samarqandda — 35-20-54 Urganchda — 226-51-35 Farg'onada — 26-43-62 Denovda — 8-37641-23-780
MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY. e-mail: info@uzbekistonovozi.uz e-mail: uzbovozi@mail.ru
Navbatchesi: Mirbaxtiyor MIRFAYZIYEV
Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida teridii va sahifalandi. Sahifalovchi-dasturchi: Sobirjon TUNG'ATOV
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etiladi. Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan. Gazeta o'fset usulida, A-2 formatida bosiladi. Hajmi 2 bosma taboq. Gazeta sahnbha, poyshnbha va shnbha kunlari chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko' chib bosish faqat tabiiyiat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
T — 50 16380 nusxada bosiladi T — Tijorat materiallari ISSN 2010-7633 O'ZA yakuni — 20.35 Topshirilgan vaqti — 22.55 7 Sotuvda erkin narxda